**«Бино ва иншоотлар давлат кадастри» фанидан**

**Х А Б А Р Ч И  В А Р А Қ - Тарқатма материал**

***<u>3 амалий машғулот:</u>*** **Кўчмас мулкка бўлган хуқуқларни ва у хақда тузилган битимларни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш.**
***Ажратилган соат*** **- 2 соат**

***Мавзуни ўрганиш масалалари.***

**1. Кўчмас мулк хақида умумий тушунчалар.**

**2. Кўчмас мулкка бўлган хуқуқлар.**

**3. Кўчмас мулкка бўлган хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш.**

***Нимани ўрганасиз?***



➢ Давлат кадастрлари ягона тизимида бино ва иншоотлар давлат кадастрининг ўрни, юритиш ишларидан эришиладиган натижалар аҳамияти.

***Ўрганишдан максад нима?***

► Кўчмас мулк хақида умумий тушунчага эга бўлиш.
► Кўчмас мулкка бўлган хуқуқ турлари билан тўлиқ танишиб чиқиш.
► КМ ни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби биилан танишиб чиқиш.

***Мавзуни ўрганиш асосида сиз бажара оладиган ишлар***

✓ Бино ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш ишларини ташкил этиш, юритиш бўйича назарий билим ва кўникмага эга бўлиш.

***Ўзак тушунчалар ва кискартмалар***

ДКЯТ- Давлат кадастрлари ягона тизими
БИДК – Бино ва иншоотлар давлат кадастри
Давергеодезкадастр Қ

***Адабиётлар:***



| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| **Мавзуга оид норматив хуқуқий хужжат** | **Фан бўйича ўқув қўлланма** | **Фан ўқитувчисининг шахсий профили** | **Мавзуга оид тақдимот** | **Мавзуга оид глоссарий** |

## Кўчмас мулкка бўлган хуқуқларни ва у хақда тузилган битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби




Кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлади:

давлат рўйхатидан ўтказувчи органда ушбу кўчмас мулк объектининг мансублиги масаласида низолар борлигидан далолат берувчи суд ҳужжатларининг мавжудлиги;

ваколатли орган томонидан кўчмас мулк объектига тақиқ ёки хатлов қўйилганлиги;

тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри, қарама-қарши ёки бузилган маълумотлар топилиши;

кадастр йиғмажилдининг йўқлиги;

давлат рўйхатидан ўтказувчи органда ушбу ер участкаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олиб қўйилганлиги ҳақидаги маълумотларнинг мавжудлиги;

рўйхатдан ўтказувчи томонидан ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўхтатиб турилган ҳолларда, тақдим этилган материаллардаги камчиликларнинг уч иш куни мобайнида бартараф этилмаслиги;

ер участкасига бўлган ҳуқуқларнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда бекор қилинганлиги;

ҳуқуқларнинг вужудга келишини белгиламайдиган ҳужжатларнинг тақдим этилиши.

Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни бошқа асослар бўйича рад этишга йўл қўйилмайди.

**Таклифлар ва мулоҳазалар:**

______________________________________________________________________________